

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ИЙЛ ЧИКИШИ
№ 143 (1147)
20
И Ю Л Ъ
ЯКШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ
20 ТИЙИН

Б У Г У Н Г И С О Н Д А:

Н. С. Хрушчев Бирлашган Араб
Республикасининг Президенти Га-
мон Абдал Носир билан учрашди
(1-бет).
СССР Олий Совети Президиуми-
нинг ўртоқ Н. Г. Пальгуновни Ме-
хнат Қизил Байроқ ордени билан
мукофотлаш тўғрисидаги Фармони
(1-бет).
АҚШ ва Буюк Британиянинг
Яқин ва Урта Шарқдаги агрессияси

муносабати билан Совет ҳукумати-
нинг Баёноти (2-бет).
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ
ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА (2-бет).
Областимиз меҳнаткашлари эр-
севаар араб халқларининг адолатли
курашини қўллаб-қувватламоқдалар
(2-бет).
БУТЎН МЕТАЛЛУРГЛАР КУ-
НИ: Совет металлургияга шон-
шарафлар бўлсин! (3-бет).
Ўза парваринида илгорларга
теглашингиз! (4-бет).

Америка-инглиз қўшнларининг
араб мамлакатларидаги интервен-
цияси тўхтатилсин! (4-бет).
Хавфсизлик кенгашининг 18 июл-
даги эрталабки мажлиси (4-бет).
Буюк Британия Коммунистик пар-
тияси ижроия комитетининг баёно-
ти (4-бет).
Совет-Ироқ муносабатларига до-
ир (4-бет).
КИНО: М. Яҳёев. — «Настасья
Филипповна» (4-бет).



В. Панов ишлаган фотоплакати.

Совет авиациясининг байрами

Совет ҳукумати мамлакатимиз ҳа-
во флотини ривожлантириш соҳа-
сида эришган катта муваффақиятини
нишонлаш мақсадида 1933 йилда
ҳар йили СССР Ҳаво Флоти Кунини
ўтказишга қарор қилган эди. Шун-
дан буён ҳар йили халқимиз шав-
катли Қуроли Кучларимиз билан
бирга шонли авиациясининг тра-
дицион байрамини зўр ҳурсанчи-
лик билан нишонлайдилар.

Совет авиациясининг бу йилги
байрами мамлакатимиз меҳнаткаш-
лари Коммунистик партия ва Совет
ҳукуматининг доимий раҳбарлиги
осида халқ ҳўжалигининг турли
соҳаларида катта муваффақиятлари
кўлга киритган, коммунистик жа-
мият қураётган халқимизнинг меҳ-
нат гайрати ва илҳомий ташаббуси
беиҳсо ўстан бир назиятда ўткази-
лмоқда.

Мамлакатимиз авиацияси шонли
ва тарихий йўлни босиб ўтди. Ко-
мунистик партия, улуғ доҳимиз
В. И. Ленин Совет давлати барпо
қилинган дастлабки йиллардан, со-
вет ҳукуматининг мудофаа қувва-
тини мустаҳкамлаш, ҳаво флотини
тараккий эттириш ҳақида ғамхўрлик
қилишди. Халқимиз партия ва ҳу-
куматининг ҳеч қандай эрдами ва
ғамхўрлиги туялмай қудратли оғир
индустрияни, шу жумладан авиация
саноатини вужудга келтирди. Улуғ
беш йилликлар даврида мамлакатим-
из ҳаво магистралларида комфорта-
бель самолётлар қатнай бошладилар.
Ватан дочилири янги тиндаги, тез
уچار машиналарда парвоз эта бош-
ладилар. Ватанимиз қудратли ави-
ация ватанига айланди.

Улуғ Ватан уруши шавкатли Қу-
роли Кучларимизга, шу жумладан
шонли авиациямизга катта синов
бўлди. Ҳарбий-Ҳаво Флотимиз орда-
ги қўшнларимиз билан биргаликда
ҳаракат қилиб, фашистлар Герма-
ниясининг мактабдан ҳаво кучлари-
ни янчиб ташлади. Совет қочқин-
лари оғир ҳаво жангларига совет на-
танпарварлигининг аjoyиб намуна-
ларини, самостелларимизнинг душ-
ман ҳаво машиналаридан афзалли-
қларини бутун жаҳонга намойиш
қилишди. Александр Покрышкин,
Иван Кожуб, Г. Речкалов, Алек-
сандр Горюнов ва бошқа юзлаб
мишгаб бaҳодир учувчиларимиз ҳа-
во жангларида мислсиз қаҳрамон-
ликлар кўрсатдилар.

Партия ва ҳукумат совет ави-
аторларининг Улуғ Ватан уруши
фронтларида кўрсатган қаҳрамонона
ишларини юксак баҳолади. Совет
авиаторларидан 200 мингдан ортиқ
киши ордени медаллар билан муко-
фотланди, икки мингдан ортиқ учу-
вчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони ун-
вои беришди. Машҳур совет дочили-
ридан А. И. Покрышкин ва И. Н.
Кожуб аса бу юксак, фахрли ун-
воини уч марта олишга сазовор бўл-
дилар.

Урушдан кейинги йилларда мам-
лакатимиз авиациясини ривожлан-
тириш ва тақомиллаштириш соҳа-
сида катта муваффақиятларга эришил-
ди. Совет экономикасининг, оғир
индустриянинг янада тараккий эти-
ши билан авиациямизни янги, до-
ҳирги замон жанговар техникаси
билан қайта қурулантириш икмо-
лияти яратилди. КПСС XX съезди
қайда этиб ўтганидек, Қуроли Куч-
ларимиз эндиликда ўз составида энг
ахши реактив авиацияга эгадир.
Бу авиация агрессор ҳужум бопла-
ган тақдирда ўз олдида қўйлашган
ҳар қандай вазифани бажаришга
қодирдир.

Совет Ҳаво Флоти йил сайин та-
қомиллашиб, янги техникалар билан
таъминланиб бормоқда. Граждан
ҳаво флотида қатнаётган «ТУ-104»
реактив пассажир самолёти совет
авиациясининг катта ютуғидир. Со-
вет конструкторлари, авиация са-
ноатининг ходимлари Ватан Ҳаво
Флотига янги тиндаги энг мукамал
самолётларини яратиб бормоқдалар.

Граждан ҳаво флотимиз мамлака-
тимиз экономикаси ва халқ ҳўжа-
лигининг турли соҳаларини ривож-
лантиришда катта роль ўйнамоқда.
Граждан Ҳаво Флоти бепосил Вата-
нимизнинг қудалик жўшқин ҳа-
қида актив қатнашиб келмоқда. Ян-
гидан-янги ҳаво йўллари очилиб,
бу магистраллардан мамлакатимиз
бўйлаб қўллаб-қувватлаш, турли
юклар ташилмоқда, саноат, қишлоқ
ҳўжалигига ва аҳолига зарур бўлган
буюмлар етказиб беришмоқда.

Республикамизда, шу жумладан
областимизда ҳам авиациядан йил-
дан-йил кенг фойдаланилмоқда.
Қишлоқ ҳўжалиги зараркуналадан
йўқотилди, қўл ерларида ўр-
мон қўчқазорларини пайло этишда,
тоғли ва яйлов жойларида аҳолига
медицина ёрдамини кўрсатишда

авиация катта ёрдам кўрсатмоқда.
Тошкент аэропортидан ҳар кун
мамлакатимизнинг турли шаҳарлари-
га самолётлар парвоз этмоқда, меҳ-
наткашлар ҳаво транспортидан тобо-
ра кенг фойдаланишмоқдалар.

Армия, авиация ва флотга ёрдам
берувчи қўшнлиги жамият ҳаво
флотимизнинг янада тараккий эти-
лишига ўзининг муносиб ҳиссасини
қўшиб келмоқда. Бу жамиятнинг
аъзолари аҳоли ўртасида авиация
билимларини тарқатишда, меҳнат-
кашларини авиация техникаси билан
ташиштиришда уларга яқиндан ёр-
дам бермоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиз — тинч-
лик Ватанидир. Совет Иттифоқи
жаҳонда кескинлигини юмшатиш ва
жаҳонда барқарор тинчликни ўрна-
тиш учун қаттиқ кураш олиб бора-
ётган бир вақтда империалистлар,
биринчи навбатда Америка Қўшма
Штатлари халқаро кескинлигини аж-
олиштиришга, уруш оловини ёқинга
ҳаракат қилмоқдалар. Америка Қўш-
ма Штатларининг 15 июлда Ливан-
да қуроли интервенция боплаган-
лиги бутун дунёни ғазабга келтир-
моқда. Совет халқи жаҳон халқлари
билан бирга америкалик импери-
алистларнинг боқинчилиги ҳаракат-
ларини қаттиқ қораламоқда.

Совет кишилари империалистлар-
нинг ўз агрессия мақсадларидан
қайтмаётганликларини, янги уруш
оловини ёқиб учун зўр бериб ури-
наётганликларини, атом ва водород
қуролиларини ишлаб чиқаристанлик-
ларини, халқларнинг тинч ҳаётига
таҳдид қилганликларини асло
унутмайдилар. Шунинг учун ҳам
доимо ҳўшёр бўлиб туришимиз, Ва-
танимизнинг куч-қудратини янада
мустаҳкамлаш учун зўр гайрат би-
лан фидокорона меҳнат қилишимиз
керак.

Қуроли Кучларимиз, шу жумла-
дан шонли Ҳарбий-Ҳаво Флотимиз
она-Ватанимиз хавфсизлиги ва мус-
тақиллигини ҳар қандай душман
ҳамласидан қўриқлаш учун тайёр
турибдилар. Совет халқи бутун —
СССР Флоти кунда қаҳрамон учу-
вчиларимиз, авиация саноатининг
ходимларини улуғ айём билан қиз-
гини табриқлайди ва уларга Вата-
нимиз куч-қудратини янада оши-
ришда янгидан-янги муваффақият-
лар тилайди.

СССР Мудофаа Министрининг Б У Й Р У Ё И

1958 йил, 20 июль, № 136 Москва шаҳри.

Учувчи ва штурман, инженер ва техник, ҳаво ўққилари ва раи-
стлари, авиация механикларини ва мотористларини, авиация саноатининг хо-
димларини, Армия, Авиация ва Флотга қўмаклашувчи қўшнлиги жамияти-
нинг спортчиларини, ўртоқлар!

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!
Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бутун совет халқи ва унинг шавкатли жангчилари СССР Ҳаво Фло-
ти Кунини байрам қилдилар ва Ватанимиз авиациясини ривожланти-
ришдаги янги муваффақиятларини нишонлайдилар. Бу йил Авиация бай-
рами халқимиз коммунистик қудратининг ҳамма соҳаларида жуда кат-
та ғалабаларга эришган назиятда ўтказилди.

Совет Иттифоқи халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлиқни мустаҳ-
камлаш учун актив ва изчил кураш олиб бормоқда, айни вақтда баъзи
империалистик давлатларнинг ҳукуматлари янги урушга тайёрланиш
сиёсатини давом эттирмоқдалар, тинчликка қарши фитналар ва илгорлар
ташқил этмоқдалар. Бир неча кунгина муқаддас Америка Қўшма Штат-
лари ва Буюк Британия Ливан ва Иорданияда қуроли интервенция
бошлаб, бу билан умумий тинчлик иши учун жуда хатарли ва хавфли
назиятни вужудга келтиришди.

Бундай шароитда СССР барча Қуроли Кучларининг жангчилари
сингари Авиация шахсий составининг ҳам вазифаси шўки, улар юксак
даражада ҳўшёр бўлиб туришлари ва социалистик Ватани ҳимоя қи-
лишга доимий тайёр бўлиб туришлари лозим.

Сизларни умумхалқ байрами — СССР Ҳаво Флоти Кунини билан та-
бриқлайман ва қўтлайман.

Қуроли Кучлар Авиациясининг шахсий составига жанговар ва
сиёсий тайёрликда, жанговар техника ва қуролилари аталашда, ўз-
ларининг ҳарбий маҳоратларини тақомиллаштиришда янги муваффақ-
иятлар тилайман.

Граждан Ҳаво Флоти ходимларига замонавий авиацияни ўлашти-
ришда ва халқ ҳўжалиги вазифаларини бажаришда; авиация саноати-
нинг ишчилари ва хизматчилари, инженерлари ва техникларига, кон-
структорларга ва олимларга янги авиация техникасини яратишда, Вата-
нимиз Ҳаво Флотининг қудратини кучайтиришда; ДОСААФ аъзолари-
га — спортчилик маҳоратини оширишда ва совет ёшлари орасида омма-
вий авиация спортини ривожлантиришда янги муваффақиятлар ти-
лайман.

СССР Ҳаво Флоти Кунини нишонлаш юзасидан буюрман:
Бутун, 1958 йил 20 июлда, Ватанимиз пойтахти Москвада, Итти-
фоқи республикаларнинг пойтахтларида тўплардан бир йўла йлгирма
марта ўқ узиб салют берилсин.

Яшасин СССР Ҳаво Флоти!
Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!
Ҳамма ғалабаларимизнинг тақдиротисини ва илҳомчисини жонажон
Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

СССР Мудофаа Министри
Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

Авиация халқ хизматида

Республикамиз, шу жумладан об-
ластимиз меҳнаткашлари граждан
Ҳаво Флотининг хизматида йил са-
йин кенроқ фойдаланишмоқдалар.
Тошкент аэропорти Иттифоқимиз-
даги энг катта аэропортлардан би-
ридир. Бу ер Совет шарқининг ҳаво
парвозаси бўлиб қолди. Совет мамла-
катига келадиган қўшнлиги чет эл
депутатлари, дўстлик визитини би-
лан келадиган меҳмонлар Тошкент-
да тўхтаб ўтмоқдалар.

Ҳозир Тошкент аэропортидан рес-
публикамизнинг турли шаҳар ва
районлари, иттифоқи республика-
ларнинг марказларида, Ватанимиз
пойтахти Москвага пассажир ва юк
ташувчи самолётлар мунтазам ра-
вишда қатнай туради. Фаргона, Қў-
қон, Андижон ва бошқа шаҳарларга
аса бир кунда бир неча рейс қили-
нади.

Тошкентдан Москва ва Тбилисига
«ТУ-104» тез уچار комфортабель
самолётлар қатнамоқда. Бу билан
ана шу томонга қатновчи пассажир-
лар учун катта қўлайликлар яратил-
ган.

Республика Граждан Ҳаво Фло-
ти пассажир ва юк ташини хизмати-
ни намунали бажариш билан бирга
қишлоқ ҳўжалигини ривожланти-
ришда ҳам катта ҳисса қўшаётир.
Қишлоқ ҳўжалигининг турли соҳа-
ларини юксалтиришда авиация хо-
димлари яқиндан ёрдам бераётир-
лар. Ўзбек халқининг миллий ифти-
хори бўлган пахтадан мўл ҳосил
етиштиришда учувчиларимиз актив
қатнашмоқдалар. Бепосил пахта дала-
лари устида гурулаб учадиган ло-
чинларимиз қишлоқ ҳўжалиги за-
раркунадаларига қарши курашмоқ-
далар, даладаги минерал ўғит сеп-
моқдалар.

Республика Граждан Ҳаво Флоти
бошқармаси қишлоқ ҳўжалик май-

долларига ариотехника йўли билан
минерал ўғит сепиш ва ҳашаротлар-
га қарши кураш юзасидан белгилан-
ган ярим йиллик налани ошириб ба-
жариш. Шу йилнинг 6 ойи ичида
Граждан Ҳаво Флоти томонидан
республика бўйича ярим миллион
гектар ерда ўғитлаш ва зарарили
ҳашаротларга қарши кураш ишлари
бажарилиди. Ўзбекистон учувчилари
1958 йилда 2,5 миллион гектар ер-
га минерал ўғит сепиш ва зарарили
ҳашаротларга қарши кураш ишларини
ўтказиш мажбуриятини олганлар.
Улар ана шу шароити вазифани ба-
жариш учун астойдил курашмоқда-
лар.

Республика пахтакорлари пахта
ҳосилини оширишда муносиб ҳисса
қўшаётган моҳир учувчи Х. Ўбай-
дуллаев, Х. Анисов, Т. Расулов, Г.
Грузин ва бошқа ўртоқларнинг но-
мларини зўр ҳурмат билан тилга ола-
дилар.

Бундан ташқари Ўзбекистон
Граждан Ҳаво Флоти бошқармаси
почта ва Пассажирлар ташини бўйи-
ча ҳам ярим йиллик наланини
ошириб ало этиди. Учувчиларнинг
учиш соатлари аса белгиланганидан
янча ортиб бўлди. Тошкент аэропор-
ти шу ярим йил ичида 95 минг пас-
сажир ташиди. Бу аса ўтган йилги
шу даврга нисбатан деярлик икки
баравар ортиқдир.

Пассажирлар ташинида учувчи-
лардан қоралб қомандирлари Хўжа-
ев, Орипов ва «ТУ-104» қорабли
қомандири Ченкунов ўртоқларнинг
хизмати диққатга сазовордир.

Барча совет халқи қаби респу-
бликамиз меҳнаткашлари ҳам бутун,
шонли Совет Авиацияси кунда
халқ ҳўжалигининг барча соҳалари-
да актив қатнашаётган дочилири
чин кўнидан табриқлайдилар.

Металлурглар кунини

Бутун мамлакатимиз металлургия
саноатининг ишчилари, инженер-
техник ходимлари ва хизматчилари
бутун совет халқи билан биргалик-
да Металлурглар кунини зўр қў-
вонч билан байрам қилдилар. Со-
циалистик экономикамиз асослари-
нинг асоси бўлган оғир индустрия-
нинг етакчи ва ҳал қилувчи тар-
моқларидан бири бўлган металлур-
гия саноатининг кўп миллионли
шонли армияси бу йил биринчи
марта нишонланаётган ўз байрам-
ларини ижодий ташаббуси ва меҳ-
нат соҳасидаги гайрати ҳар қачон-
гидан ҳам ошган бир назиятда қў-
тиб олмақдалар.

Партия XX съезди томонидан
мамлакат халқ ҳўжалигини ва даст-
аввал оғир индустрияни янада зўр
бериб ривожлантириш ва шу асосда
совет кишиларининг моддий фаро-
вонлигини ошириш юзасидан белги-
ланган гайрат катта программанинг
муваффақият билан амалга ошири-
лиши даставвал металлургиямиз-
нинг ишига боғлиқдир. Металл —
бизнинг куч-қудратимиз, у соци-
алистик экономикамиз учун сув ва
ҳаводек зарур.

Мамлакатимизда қўйи, пўлат ва
прокат ишлаб чиқариш тинмай қў-
йламоқда, металлургия саноатининг
гигант қорхоналари вужудга кели-
ляётир, темир рудасига гайрат бой
янги қонлар ишта тушириляётир.

Республикамизда оғир саноат
ўққиларининг, жумладан металлур-
гия қорхонасининг вужудга кели-
рилганлиги Улуғ Октябрь, социалис-
тик революциясиз берган энг
катта самаралардан биридир. Улуғ
Ватан урушининг оғир ва даҳшатли
қунарида сойиб Бекбоғ қишлоғида
Ўзбекистон металлургия заводи ку-
рила бошлади. Заов қурилишига
бутун мамлакат, Ватанимиздаги
барча қардош халқлар, даставвал
улуғ рус халқи яқиндан ёрдам бер-
ди. Урал ва Алтаевск металлур-
гия ўзбек йилгиларини пўлат эри-
тиш ва прокат тайёрлашдек гайрат
мураккаб, лекин шу билан бирга
гайрат шарафли касба ўргатилар.
Ҳали яқиндаги металлургия нима
оқинлигини яхши тасаввур ҳам
қилмаган Ўзбек, бутун улкам мар-
теп печлари ёнида туриб пўлат
эритмоқда, мураккаб прокат станда-
рини муваффақият билан бошқар-
моқда. Эндиликда Гансов, Мира-
затов, Хайдаров, Исроилон, Нури-
динов ва бошқа жуда кўп донг та-
ратган металлургияларимиз респу-
бликада ким танимайди! Металлур-
гия заводининг ишта туширилгани
билан республикамиз экономикаси
ривожлантириш учун ўз пўлати ва
ўз прокатига эга бўлди. Улуғ Ленин
номи билан аталган бу қорхона
Ўзбекистон меҳнаткашларининг ту-
рари ва ифтихори бўлиб қолди.

Партия ва ҳукумат металлурга-
риясининг моддий ва маънавий тур-
муш даражасини тобора яхшилаш
тўғрисида доимо оғизларга ғамхўр-
лик қилиб келмоқдалар. Оғир ин-
дустриянинг бошқа қорхоналаридаги
қаби, Ўзбекистон металлургия заво-
иди ҳам қисқартирилган 7 соатлик
иш кўнига ўтишти. Шу йилнинг ян-

Совет кишилари бутун — Ме-
таллурглар кунини мамлакатимиз-
нинг фидокорона ва жанқувар ме-
таллургияда қизгин саноат йўла-
дилар қайта металлургия саноати
олига қўйлаётган гайрат катта ва-
зифаларини бажариш йўлида, Вата-
нимиз куч-қудрати, шон ва шара-
фини ошириш йўлида, мамлаката-
мизда коммунистик жамият қури-
лиш йўлида уларга чин қўллаш
янги баҳрлар ва янги муваффақ-
иятлар тилайдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони
Ўртоқ Н. Г. Пальгуновни Меҳнат Қизил Байроқ
ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Бирлашган Араб Республикаси-
нинг Президенти Гафал Абдил Носир
Югославияга қилган сафари вақтида
яқинда Москвага келиб кетди ва
Н. С. Хрушчев билан учрашди.
Дўстона назиятда ўтган суҳбат
вақтида АҚШнинг ва бошқа мустам-

лакачи давлатларининг Яқин ва Ўр-
та Шарқдаги агрессиясини тўхта-
тишга ҳамда тинчликни ва араб
мамлакатларининг мустақиллигини
таъминлашга доир масалалар ҳақида
гаплашылди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.
Москва, Кремль. 1958 йил, 18 июль.

Совет металлургиялари шон-шарафлар бўлсин!



Суратда: (чапдан) прокат цехининг моҳир мастери Тоштемур Абдуллаев. У металлургия заводи ишга тушганидан буён шу ерда фидокорона меҳнат қилмоқда. Шу цехнинг тажрибали пай-ваидловчиси Ином Париев, У смена топшириқларини ҳар доим олириб бажариб коллектив ўртасида ҳурмат қозонмоқда.

Пўлатни тезкор усулда эритамиз

1944 йилнинг 5 марти эдидан сира-сира кўтарилаётди. Шу кунга биз биринчи марта пўлат эритмаси олганмиш. У вақтларда мартен печларининг ишлаб чиқариш қуввати ҳозиргига нисбатан икки баравар кам эди. Бунинг устига тажриба камлигидан, ҳа деганда пўлатнинг эрийвермаси, Ман-ман деган мартенчи 8,5-9 соатда пўлатни арағи эрита олди. У вақтларда ҳозиргидек пўлатнинг сифати эмасди. Энди, энди шундай моҳир мартенчилар борки, печдаги пўлати 5,5 соатда эриб, кўнгли жойига тушмайди. Дарвоқе, 5,5-6 соат ичида пўлат эритиш мартенчиларимизга олат бўлиб қолди.

Мен, қандай қилиб тезкор усулда пўлат эритишга муваффақ бўлаётганимизни таъкидлаб беришим керак. Бир қуйилма тайёр бўлгунча, оғатда, 5-6 операция давом этади. Печга темир ағдаришдан сўнг унга чуян, оҳатом, шпат, боксит ва бошқа рудалар солинади. Шунинг айтиш кераки, ана шу моддаларнинг ҳар қайсисини алоҳида операцияда печга солиш керак бўлади. Демак, мартенчи ҳамма подручниклар қанчалик чаққон ишласалар, операцияларни шунчалик қисқартириш мумкин.

Улкан заводнинг катта коллективи

В. И. Ленин номида Ўзбекистон металлургия заводида биринчи марта пўлат эритилганидан буён қарийб 15 йил ўтди. Мана шу қисқа вақт ичида бу гигант корхонада пўлат эритувчи ва прокатчиларнинг қатъий эришлари етишиб чiqди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ўрта Осиё республикалари оғир индустрияси янада ривожлантириш мақсадида урушнинг оғир йиллари бўлишига қарамай, ана шу завоғга пой-девор қўйди.

Республикамиз меҳнаткашлари бўлажак заводидаги халқ ҳўжалигини ривожлантиришда гоят катта аҳамиятга эга бўлишини тушуниб, рағбат ва шижоат билан қурилиш ишларини анж олдириб юборган эдилар. 1943 йилнинг бошларида мамлакатимизнинг энг йирик саноат марказлари — Кузнецк ва Уралдаги металлургия заводларидан мартенчилар ва прокатчилар келишди.

Партия ва ҳукумат маҳаллий миллат кадрларидан пўлат эритиш мутахассислари, прокат цехи стан-дарда ишлаб чиқаришга раҳбарлик қила оладиган инженер-техник хо-диллар, мастерлар тайёрлашга ало-ҳида эътибор бердилар.

Шу мақсадда 1943 йилнинг бош-ларидек икки ярим мингга яқин ўзбек ўғил-қизлари Урал ҳамда Кузнецкдаги металлургия заводла-рига командировка қилинди. Улар рус пўлат қувончиларининг бироз-роа билами туғайли қисқа вақт ичида моҳир пўлат қувончилар, про-катчилар бўлиб етишдилар. Энди-ликда корхонамиз ўзининг тезкор пўлат қувончилари — Маннон Мир-заматов, Анвар Тошпўлатов, Хожи-мурот Желилов, Петр Желяев, Ах-тем Желилов, Наримон Исламов, Алексей Зяблев каби илгорлари бил-ан ҳақли равишда фахрланади.

Заводидаги ҳар бир инженер-тех-ник хоҳлими, ҳар бир мартенчи ва прокатчиси корхонанинг ишлаб чи-қариш қувватини янада оширишга, мартен печларининг ҳар бир ква-драт метридан олинган пўлат қу-бималарини кўпайтириш учун ҳа-ракат қилмоқдалар. Шунинг айтиш кераки, корхонанинг ишлаб чиқа-риш қуввати лойиҳада белгиланган-идан икки баравар оширилди.

Металлургияда рағбат бил-ан меҳнат қилиб, ярим йил-лик ишлаб чиқариш програм-маларини муваффақият билан бажариш-лар ва планга қўшимча равишда 1730 тонна юқори сифати пўлат бердилар.

Заводиимизнинг катта коллективи 1957 йилнинг октябры ойидан бош-лаб 6 соатлик иш кунига кўчди. Партия ва Совет ҳукуматининг бу ғамхўрлиги металлургиянинг ра-ғбатига-рағбат қўйди. Улар иш соати қисқартирилганига қарамай, смена нормаларини ҳамма вақт ор-тига била бажармоқдалар.

Корхонамиз ўзининг катта пер-спективасига эга. Маъмурият ва пар-тия ташкилот мартен печларининг ишлаб чиқариш қувватини 25-30 процент оширишга қаратилган тех-ника таъбирларини амалга оширо-моқда. Халсамай, прокат цехига пўлат симлари ишлаб чиқаришга қура-тилган станок ўрнатилади. Шу билан бирга ҳозирги вақтда Туза ва Сор-мово металлургия кенг қўлла-ётган ўтхўроғиз қўйиш усулига кў-чинг учун ҳам ҳаракат қилинмоқда.

Бекобод металлургия шон-ли байрамларини зўр қувонч билан нишонлар эканлар. мам-лакатимиз қурагани янада муста-камлаш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ҳафиз ҒАНИЕВ, завод мартен цехининг мас-тери, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты.

Факт ва рақамлар

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия за-води сўнгги ўн йил ичида ишлаб чиқариш қувватини қарийб икки баравар оширди. Ҳозир завод коллективи Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Де-мократик Республикаси, Мў-ғулистон Халқ Республикаси-га прокатлар жўнатилмоқда.

Завод ишчилари ва ин-женер-техник хоҳлилари сўнг-ги 6 ой давомида БРМЗга иш-лаб чиқариш процессларини тақомиллаштиришга қаратил-ган 220 та рационализиаторлик ва ихтирочилик тақлифларини киритдилар. Булардан 70 га яқини ишлаб чиқаришга жо-рий эътибор, давлатга 900 минг сўмлик фойда келтирил-ди.

Бизнинг бригадамиз 4 кишидан иборат. Пўлатнинг тез эриши авва-ло ўзимизга боғлиқ. Бирок шу бил-дан бирга мартен печларининг нор-мал ишлаши кранчиларга, слесарь ва посадиқларга ҳам боғлиқдир.

Кузнецкдаги мартенчилар ҳар бир циклда камида 7-8 ми-нутдан вақт тежар эканлар. Бундай қарағанда 7-8 минут ҳеч вақт эмасдек кўринади. Лекин беш циклда 8 минутдан вақт ютилса 35-40 минут тўп-ланар экан. Тезкор усул деб ас-ла мана шунга айтилади. Биз ҳам Кузнецк металлургиянинг ана шу тажрибаси асосида ишлаётим-из.

Бригадамиз аъзолари заводи-мизнинг моҳир пўлат қувончи-си Маннон Мирзаматов бошлиқ бри-гада аъзолари билан мусобақалаш-моқда. Июнь ойида мусобақалаш-тимиз гўлиб чiqди. Улар 30 кунда 14 та тезкор усулда пўлат эрит-дилар. Биз уларнинг фидокорона ме-ҳнатига тан берамиш, албатта. Лекин июль ойида биз ҳам тезкор усулда пўлат эритишни олиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Анвар ТОШПЎЛТОВ, мартен цехининг пўлат эри-тувчиси, бригада бошлиғи.

П ў л а т

— Тошкент билан Бекобод ора-лигида автобус қатнаштириб хўп иш қилишди-да, жўмшоқ ўрлидаги ўтириб келиб, жўннинг хўзуру топади. Орадан кўп ўтмай шаҳри азда бўласан-а. Бурунги маҳалла бир ҳафта кеча-кўнгуз йўл босиб эси Қовунчи аранг етардинг, киши...

Қадди норғул йигитларикидек келишган, лекин семиз мазларини ажин босган, опшоқ соқоли нуру-ний чол шу гапни айтган экан, бошқа-лар унинг ҳақ сўзларини тасдиқла-гандай унга ҳавас билан боқинар эди. Орадан кўп ўтмай, автобус Бе-кобод томон йўл олди. Биз Ға-ни ота билан ёнма-ён ўтириб, суҳ-батлашиб келдик. У асли Ширин-сойдан экан. Бекобод шаҳри ва унинг энг яқин кишилари ҳақида ашичтан-биганларимизни бу нуру-ний чоланг ана бир марта айтишди. У ўтмиш ва бугунги ҳаётнинг жон-ли туғуви сифатида ўн яшаётган шаҳарини тинмай таърифлар эди.

— Кўп яшагандан эмас, кўп кўргандан сўра дейдилар, ўғлим, — деб таъини давом эттирди у. — Ахир кўпни кўрган кўп билади-да. Бу қамоннинг ёшлари кўрмаган жой, қилмаган иши қолмади. Сизлар биздан кўп кўргансизлар, бирор ки-ши гап айтиб ҳайрон қолдириб бў-ладими сизларини.

Соқолимиз оқариб қолган бўлса ҳам Тошкентдан нари ўтмаганмиш. Лекин ўзимиз ашаб турган дарғоҳда ниманки пайдо бўлибди, ҳаммасилан боқармиш, ҳа. Хали сиз, завоғдан сўйлаб берган Фарҳод ТЭС ҳам, пўлат заводи ҳам кўя ўнгимизда кеча-гина барпо эгилган. Булар тўғриси-да гапирганинг билан тугамайди. Кўп катта ишлар қилинди, бу ер-ларда.

Пўлат заводи яқинимизда бўлса ҳамки ичини кириб кўрганмиш йўқ. Ўғлим, неча марта ўринг олиб борай, кўриб келасиз, деса ҳам, бир сабаб бўлади-ю, боролмайман. Ле-кин бир болиб тамоша қилган бөр. Қалимдан пўлатга ишчибозман. Ота-бобимиз, бўёғини сўрасангиз ўзи-миз ҳам кўп йил темирчилик қи-лганмиш. Темирнинг қадрини била-миш. Қалим замонларда ҳам ҳозир-гидек пўлатсиз, темирсиз на деҳ-қонинг иши битар, на бойвечта от-қопар эди. «Партияга, ҳукуматга балли, пўлат, темир қанчалик му-ҳимлигини сира унутмайди. Фарҳод-да шу катта заводида тиклаб жуза доно иш қилиди...

Шаҳримизни айтмайсизми, бу-нақа жойини етти қилмиш ахтариб ҳам тополмайсиз. Бугунги Бекобод таърифини сўз билан ифодайин қи-лин. Жуза оромбах жой бўлган. Аммо лекин, қадимги Бекобод ҳақи-да бир-икки оғиз гапирмасам кўн-гли жойига тушмайди. Негаки, бу-рунчилар, а.и.и.қса Зарафшондан Фарғонага, Фарғонадан аса Зараф-шон ёки Тошкент-томонларга сафа-рга чиққилар кўп таъналар қилиш-ган. «Садаган кетай Фарҳод, шун-да доврўнг билан Сирда битта кўприк қуролмасанда...» дейи-шарди улар. Ширинсойлик эмасми-зи, бу таъналар бизнинг шани-мизга айтилаётгандек туюларди...

Ушма кездарда кўприк қуришни осон иш дейсизми. Битта паромни бутун қишлоқ бўлиб, зўра элар-дикда. Лекин мен сизга, буни эмас, бошқа бир қизиқ ҳикояни айтиб бермоқчиман.

Боя айтганимдек биз ҳам иккам қирқ йил болга ургамиз. Ҳозир ҳам ҳар замонда от-уловга тақа асаб

дўстларнинг ҳоҳатини чиқараб ту-рамиз... Назаримда бу ўлмас касб кўрилади. Нимага десангиз, шу дамгача бирор завод отга тақа иш-лаб чиқармайдди-да. Шундай бўл-гандан сўнг қимиллаб, армак қилиб турамиш-да...

Эсломайман, бундан қирқ-қирқ беш йиллар чамаси бурун отам бил-ан Нова, Қўқон йўлининг ёқасида темирчилик қилардик. Бир кунги ҳашамдор фазтон ва яна беш-олти-та қорабайири минган бойвечалар ўтиб қолди. Йўловчилар устахона олтида тўхтадилар. Бекасам тўн ки-йиб, чаккасини шойи қийиқ билан таъгиб олган мўйлов салом-алиқсиз отамга қараб:

— Тайёр тақангиз борми? — деди.

— Йўқ адику, ўғлим, — отам хомуш елкасини қисди.

— Бир плож қилмасангиз бўл-майди. Отимнинг тақаси тушиб қол-либ, оқсаётир.

— Ҳеч иложим йўқ, ўғлим, ўзи-миз ҳам ҳафта-етти кун темир йўқлигидан кўл қовиштириб ўтириб-миз. Бу жойларда темир топилма-ди.

— Кўрада қизтаётганингиз ни-ма?

— Бу бир камбағалнинг ўроғи, ўғлим.

— Энди биз учун йўқ демайсиз-да, ота. Ҳар қанча бўлса тўғаймиш, бўёғидан хотиржам бўлаверинг. Камбағални ўзингиз рои қиласиз... Бойвечанинг бу сўзлари отамга ҳам, менга ҳам қанчалик ачиқ туюлганлигини асти қўяверинг. Отам сира кўнмай турган эди, гапга қа-ққилдири пайдо бўлиб қолган элик-боши аралашди.

— Э, уста, меҳмонни хафа қи-лманг, битта ўроқ бўлса бир гап бў-лар, мен ўзим уни рои қиламан. Қани тақани асайверинг.

Уларнинг қоринлари тўқ, уст-бошлари бут эди-да. Деҳқон учун ўроқнинг нималигини улар қаёқ-дан билишсин. Отам нима қилишини билмай, ўша ўроқдан тақа асаб, бойвечанинг туёғига қоқди. Аммо лекин бир оғиз ахир сўз айт-мади, номард. Отини шатак оттириб, йўлига равона бўлди... Камбағалга ўзимизнинг бир ахир ўроқ бўларди, ўшани бердик.

Бизнинг мартенлар

Дудлар кўтарилар осмонга томон,

Бўриқсанг ранго-ранг тус

Кўринади,

Металлург номила фахр этар

Замон.

Пўлатлар, темирлар чўғдай

Энди.

Бақувват қўлларда минг-минг

Тонналар,

Пишадил, тоблар бўлади тайёр.

Мардларнинг ишига қойил

Мамлакат,

Металлург ватанда топи

Эътибор.

Бир парча темир ҳам кетмайди

Бенор,

Катта уюмларни қилади ҳосил.

Шу улуг ишларда сенинг ҳиссанг

Бор,

Тобланган эй дўстим, дилинг

Тоза дил.

Шарафли нунингда сенга

Элимдан

Таъриқ овозлари янграб баралла.

Маҳини ёзаман тоза дилимдан.

Хушхонлар айтади сенга ашула.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Ҳа. Ўғлим, ўша замонларда бир от туёғига тақа, бир омонга тили бў-ларди темир шўнчалик азиз эди.

Мана энди Бекободда пўлат чиқа-радиган қурадиган завод ишлаб ту-рибди. Энди ўзбек эли ўн пўлат эри-тиб, ҳаммани қойил қилмоқда. Сада-ганг кетай, пўлат ҳамма нарсанинг маҳлами экан. Ёшлитимизда темир, пўлатдан омонга тиш-у, отга тақа асалади-да, бошқа нимага ҳам яраб эли дердик. Қараг, оғамлар энди томининг устини ҳам пўлат билан ёпаяпти. Тошкент, Самарқанддаги катта-катта заводлар Бекобод пўла-тидан пахта тарадиган, ер ҳайдай-диган, кино қўядиган машиналар тайёрлаётганим.

Шунақа экан, пўлат, темирнинг қадрини билмаганидан хафа бўлинг. Шундайлар ҳам борки, қўлидаги ўроғи, ёки бўлмаса машинасининг бирор жойи сийса, пайвандлай де-майди-да! Ҳа деганда магазинга югуриб, янгисини олади. Бу пероф-гарчилик, ўғлим. Темир, пўлат ҳам олтин, қумушдек, балки улардан ҳам заруруроқ нарс...

Отанинг бу қалб сўзларидан ҳая-жонланмай бўладими!

Зотан, пўлатнинг қадрига етмоқ керак. Пўлат бу пахта далазлари, денгиздек бугдойзорларда ҳайқираб нисон меҳнатини осонлаштираётган трактор ва автомашиналариди, ша-ҳар ва қишлоқларни нурга бурқов-чи ТЭСлар, завод, фабрикаларни те-братиб турувчи маъбди. Халқ ке-рак бўлиб қолганда душмандан ҳи-моя қилиш учун ундан ўзига қал-қон асади.

Кеча Бекободдаги Владимир Иль-ич Ленин номидаги Ўзбекистон ме-таллургия заводида бўлдик. Қура-тди мартен цехида қўшдек аланга-лаётган печларда ўзбек пўлати қу-йилмоқда. Мана иккинчи мартен пе-чи. Шу корхонада 1943 йил-дан буён ишлаб келаётган азам-дат пўлат қувончи Анвар Тошпў-латов биргина июнь ойининг ўзида ўн уч марта тезкор усул билан пўлат эритди. Бу еш пўлат қувончи ме-тал-лургия заводида тиклашда Ҳафиз Ғаниев, Маннон Мирзаматов, Хусан Усмонов ва бошқа ўғил Ўзбекистон-нинг моҳир пўлат қувончилари билан ёнма-ён туриб қатнашган. Тошкент-дан Бекободга кўчиб келиб ўйлик-жойлик бўлди. Унинг сердарахт ҳовлисида кирсангиз ҳавасингиз а-втошина, иккинчи ёқда сарҳовуз тоқ-у, шифтолизор. У ҳам юзлаб ме-таллурлар сингари шу катта ша-ҳарда фаровон ҳаёт кечирмоқда. Анвар ўш қуяётган пўлатнинг на-қалар катта аҳамиятга эга эканли-гини яхши билади. У қуяётган пў-лат ўзбек халқининггина эмас, балки қардош республикалар экономикаси-да ҳам катта роль ўйнаётганлигини ҳар доим ёдида тутди.

Ўзбекистон, ўзбек халқи бутун ўзининг пўлатига эга, у бутун шу пўлатдан трактор, сеялкалар ва бошқа ўғил хил мураккаб машина-лар ишлаб чиқармоқда. Ҳаммадан ҳам кишини қувонтирадигани шуки, Бекобод металлургия социализм қураётган Хитой, Корея, Мўғулистон Халқ Республикаларига, шунингдек қўшни Афғонистон ва Эронга пўлат қўйилмалари, прокатлар, хилма-хил тунукалар жўнатамоқда...

Ўтмишда бир омон тиши, бир от туёғига тақа бўлурак темир, пўлат топилмаган алда бугун ана шун-дай пўлат тўкинчилиги.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.

А. АБДУАЗИМОВ.



Суратларда: (чапдан) мартен цехининг моҳир пўлат эритувчилари — Алексей Зяблев ҳамда Абдукалил Мирзаматов уларнинг ҳалол меҳнатлари учун заводда гилар ҳурмат қилишди. Улар июнь ойининг ўзида бир неча марта тезкор усулда пўлат эри-тишга муваффақ бўлдилар.

Капитал ремонтни му

